



**Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини  
жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва бозор муносабатларини жорий қилиш, пахта хомашёсини қайта ишлаш ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларининг интеграциялашувини янада кенгайтириш, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлар фаолиятининг ижобий натижаларини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, тўқимачилик саноати ташкилотлари ҳамда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларини ташкил этувчи ташаббускорларнинг (кейинги ўринларда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчилари деб аталади):

республика ҳудудларида 2020 йил пахта ҳосилидан бошлаб 1-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларини ташкил этиш ҳамда экин майдонларини кенгайтириш;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига белгиланган тартибда 2-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахта тайёрлаш пунктларининг бино ва иншоотларини баҳолаш қийматини 5 йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан сотиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ ташкил этилаётган ҳамда экин майдонлари кенгайтирилаётган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига белгиланган тартибда суғориладиган ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

3. “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахта тайёрлаш пунктларининг бино ва иншоотларини тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига сотиш масаласи жамиятнинг бошқарув органи мажлисларида кўриб чиқилишини ва бошқарув органи хулосасига кўра пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчилари билан тегишли шартномалар тузилишини;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига сотиладиган пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахта тайёрлаш пунктларининг бино ва иншоотлари хатловдан ўтказилиши ва баҳоланишини таъминласин.

#### 4. Белгилансинки:

а) пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларининг 2020 йилда пахта хомашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун кредитлар агротехника тадбирларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда ажратилади;

б) кузги агротехника тадбирларига (шудгорлаш, ер тайёрлаш ва шўр ювиш) сарфланадиган харажатлар Жамғарма томонидан тижорат банкларига ажратиладиган кредитлар ҳисобидан амалга оширилади;

в) пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига:

Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта ва тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 январдаги 53-сон қарорининг 2, 4–8, 10 ва 13-бандлари;

“Пахта ва тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорининг 4, 9 ва 11-бандлари;

“Пахта ва тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 мартдаги 230-сон қарорининг 2 ва 3-бандлари талаблари татбиқ этилади;

г) пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш тартибини янада такомиллаштириш, шунингдек, улардан фойдаланиш соҳасида рухсатномалар бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги 43-сон қарорига мувофиқ белгиланган тартибда ўзига қарашли ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга халақит бераётган дарахтлар ва буталарни кесиб олиб ташлашга рухсат берилади, ўрмон хўжалигининг плантациялари ва суғориладиган ерларда шамол эрозиясидан химоя қилиш учун экилган дарахтлар ва буталар бундан мустасно.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Давлат статистика кўмитаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти билан биргаликда икки ой муддатда 2019 йил пахта ҳосили хомашёсини қайта ишлаш давридан бошлаб синов тариқасида, 2020 йил ҳосилидан бошлаб барча пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толаси ҳажмларини мажбурий тартибда ҳисобга олиш ва мониторингини юритишнинг автоматлаштирилган ягона давлат тизими дастурини ишлаб чиқсин ҳамда тизимни пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига белгиланган тартибда жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчилари томонидан сотиб олинadиган пахта тозалаш корхоналарининг солиқ қарздорликларини икки ой муддатда хатловдан ўтказсин ҳамда олди-сотди шартномаси ва тўлов жадвалига мувофиқ солиқ қарздорлигини кечиктириб тўлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклиф киритсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда барча пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчилари томонидан 2023 йил 1 январга қадар республикада етиштирилган пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи, шунингдек, маҳаллий корхоналар билан ички тармоқ кооперациясини тўлиқ йўлга қўйишни назарда тутувчи инвестиция шартномаларининг имзоланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. “Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси И.У. Хайдаров ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти бошқарув раиси А.И. Максудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

**2020 йил пахта ҳосилидан бошлаб республика минтақаларида янгидан ташкил этиладиган ва экин майдонлари кенгайтириладиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари РЎЙХАТИ**

Т/р	Худуд ва туманлар номи	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчилари	Ер майдони (гектар)*
<b>I. Ташкил этиладиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари</b>			
1	Қорақалпоғистон Республикаси Тахиаташ тумани	“Taqiatas tex” МЧЖ	2 600
2	Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани	“Agro To’rtko’l tekstil cluster” МЧЖ	9 800
3	Андижон вилояти Пахтаобод тумани	“Oltin Mato Teks” МЧЖ	6 481
4	Андижон вилояти Олтинкўл тумани	“Sayyora Favvorasi Plyus” МЧЖ	5 335
5	Қашқадарё вилояти Косон тумани	“LT Textile International” ХК (“Litai Textile Overseas” ХК)	14 700
	Қашқадарё вилояти Миришкор тумани		9 050
	Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани		8 200
6	Қашқадарё вилояти Ғузор тумани	“Kitob ip yigiruv” МЧЖ	6 500
7	Қашқадарё вилояти Муборак тумани	“MT Amir tex” ҚК МЧЖ	9 000
8	Наманган вилояти Косонсой тумани	“Namangan paxta tekst” МЧЖ	3 955
9	Сирдарё вилояти Гулистон тумани	“LT Textile Sirdaryo” МЧЖ	6 200
	Сирдарё вилояти Сирдарё тумани		8 000
	Сирдарё вилояти Сардоба тумани		6 700
10	Сурхондарё вилояти Музработ тумани	“Indenim Cluster” МЧЖ	6 700
	Сурхондарё вилояти Термиз тумани		2 216
11	Хоразм вилояти Хазорасп тумани	“Хазорасп текс” МЧЖ	3 000
12	Хоразм вилояти Хазорасп тумани	“Девелоп текс” МЧЖ	3 000
13	Хоразм вилояти Гурлан тумани	“Gurlan-Baraka Teks” МЧЖ	11 259
14	Хоразм вилояти Урганч тумани	“Ург текс” МЧЖ	8 385

T/p	Худуд ва туманлар номи	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчилари	Ер майдони (гектар)*
<b>II. Экин майдонлари кенгайтириладиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари</b>			
15	Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани	“Amudaryotex” МЧЖ ҚК	8 104
16	Андижон вилояти Андижон тумани	“Sohib Omad Barakasi” МЧЖ	4 620
17	Андижон вилояти Булоқбоши тумани	“Хо’jaobod Fayz-M” МЧЖ	2 829
18	Андижон вилояти Балиқчи тумани	“Khantex Group” МЧЖ (“Tetratex” МЧЖ)	10 309
19	Жиззах вилояти Дўстлик тумани	“Sangzor-textile” МЧЖ	6 900
20	Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани	“Жиззах индустриал тўқима” МЧЖ	3 482
21	Жиззах вилояти Мирзачўл тумани	“Textile Technologies Group” МЧЖ ХК (TTG)	11 500
	Жиззах вилояти Арнасой тумани		8 400
22	Қашқадарё вилояти Косон тумани	“Bunyodkor” МЧЖ	5 000
23	Қашқадарё вилояти Нишон тумани	“Indorama Agro” МЧЖ (“Indorama Kokand Textiles” МЧЖ ҚК)	10 600
24	Наманган вилояти Турақўрғон тумани	“Namangan To’qimachi” МЧЖ (“Namangan To’qimachi cluster” МЧЖ)	4 269
25	Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани	“Poly Tex Sirdarya” МЧЖ	4 970
26	Сирдарё вилояти Оқолтин тумани	“Textile Technologies Group” МЧЖ ХК (TTG)	10 300
27	Сирдарё вилояти Ховос тумани	“BEK cluster” МЧЖ	2 557
28	Сурхондарё вилояти Шеробод тумани	“Surxondaryo Agroxizmat» МЧЖ	8 600
29	Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани	“Shashmohkashob” МЧЖ	2 350
30	Тошкент вилояти Бекобод тумани	“Textile Technologies Group” (TTG) ЧК МЧЖ	12 000
31	Тошкент вилояти Янгийўл тумани	“Ko`kcha tekstil” МЧЖ	2 050
32	Фарғона вилояти Бувайда тумани	“Global Textile Solutions” МЧЖ	5 120
	Фарғона вилояти Олтиариқ тумани		6 220
<b>ҲАММАСИ:</b>			<b>261 261</b>

*\*) Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларнинг якуний ер майдонлари жойлашуви тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин.*

**Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари  
ташкilotчилари ва уларга сотиладиган пахта тозалаш корхоналари  
хамда пахта тайёрлаш пунктлари бино ва иншоотлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Худудлар номи</b>	<b>Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари</b>	<b>Пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктлари</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош тумани	“Taqiatas tex” МЧЖ	“Хўжайли пахта тозалаш” АЖ “Хамза” ва “Найман” пахта тайёрлаш пунктлари билан
2	Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани	“Agro To’rtko’l tekstil cluster” МЧЖ	“Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан
3	Андижон вилояти Олтинкўл тумани	“Sayyora Favvorasi Plyus” ХК	“Андижон-3 пахта тозалаш” МЧЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан
4	Андижон вилояти Балиқчи тумани	“Khantex Group” МЧЖ	“Чинобод пахта тозалаш” АЖ “Балиқчи”, “Бўстон”, “Ўрмонбек”, “Насриддинобод” ва “Тулистон” пахта тайёрлаш пунктлари билан
5	Андижон вилояти Пахтаобод тумани	“Oltin Mato Teks” МЧЖ	“Андижон-1 пахта тозалаш” АЖ “Куқунқишлоқ”, “Пахтакор” ва “Янгиҳаёт” пахта тайёрлаш пунктлари билан
6	Бухоро вилояти Когон тумани	“Parvoz Humo Ravnaq Trans” МЧЖ	“Когон пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан (“Когон” пахта тайёрлов масканидан ташқари)
7	Жиззах вилоятининг Мирзачўл ва Арнасой туманлари	“Textile Technologies Group” МЧЖ ХК	“Арнасой пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан
8	Жиззах вилояти Дўстлик тумани	“Sangzor-textile” МЧЖ	“Дўстлик пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан

Т/р	Худудлар номи	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари	Пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктлари
9	Қашқадарё вилоятининг Косон, Миришкор ва Чирокчи туманлари	“LT Textile International” ХК (“Litai Textile Overseas” ХК)	“Чирокчи пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан, “Косон пахта тозалаш” АЖ “Пўлати” “Этаковул” ва “О.Рўзикулов” пахта тайёрлаш пунктлари билан, “Жейнов пахта тозалаш” АЖ “Р.Ғойибов”, “Хамза”, “Махтумкули” ва “Помук” пахта тайёрлаш пунктлари билан
10	Қашқадарё вилояти Ғузор тумани	“Kitob ip yigiruv” МЧЖ	“Қамаши пахта тозалаш” АЖнинг “Ғузор марказ” ва “Пачкамар” пахта тайёрлаш пунктлари
11	Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани	“Namangan To’qimachi” МЧЖ (“Namangan To’qimachi cluster” МЧЖ)	“Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ “Шаханд” пахта тайёрлаш пункти билан
12	Сурхондарё вилояти Шеробод тумани	“Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ	“Шеробод пахта тозалаш” АЖ “Дўстлик”, “У.Юсупов”, “Бўстон” ва “Таллашкон” пахта тайёрлаш пунктлари билан
13	Сурхондарё вилояти Термиз ва Музработ туманлари	“Indenim Cluster” МЧЖ	“Музработ пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан
14	Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани	“Shashmohkashob” МЧЖ Agrosanoat firmasi	“Сариосиё пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан
15	Сирдарё вилоятининг Гулистон, Сирдарё ва Сардоба туманлари	“LT Textile Sirdaryo” МЧЖ	“Гулистон пахта тозалаш” АЖ ва “Бахт пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан, “Пахтаобод пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан (“Ш.Рашидов” пахта тайёрлаш пунктидан ташқари)
16	Сирдарё вилояти Оқолтин тумани	“Textile Technologies Group” МЧЖ ХК (TTG)	“Сардоба пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан (“З.Бобур” пахта тайёрлаш пунктидан ташқари)

Т/р	Худудлар номи	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари	Пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктлари
17	Тошкент вилояти Бекобод тумани	“Textile Technologies Group” (TTG) ХК МЧЖ	“Далварзин пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан
18	Фарғона вилояти Бувайда тумани	“Global Textile Solutions” МЧЖ	“Кўкон-2 пахта тозалаш” АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари билан
19	Хоразм вилояти Хазорасп тумани	“Develop Textile” МЧЖ	“Хазорасп пахта тозалаш” АЖ “Корхона қоши пахта тайёрлаш пункти” билан
20	Хоразм вилояти Хазорасп тумани	“Hazorasp Textil” МЧЖ	“Хазорасп пахта тозалаш” АЖнинг “Тупрокаля” пахта тайёрлаш пункти



**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-илова “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотчилари” устуни 26-қатор ва 2-илова “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотчилари” устуни 25-қатор “Namangan To'qimachi” МЧЖ” сўзлари “Namangan To'qimachi Cluster” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг “Пахта тозалаш заводи ва пахта тайёрлов масканлари устунда:

1-қатор куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Амударё пахта тозалаш” АЖ ва барча пахта тайёрлаш пунктлари”;

18-қатор куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Дўстлик пахта тозалаш” АЖ ва барча пахта тайёрлаш пунктлари”;

21-қатор куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Яккабоғ пахта тозалаш” АЖ ва барча пахта тайёрлаш пунктлари”;

36-қатор куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва барча пахта тайёрлаш пунктлари”;

42-қатор куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сайхунобод пахта тозалаш” АЖ ва барча пахта тайёрлаш пунктлари”;

54-қатор куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хонқа пахта тозалаш” АЖ ва барча пахта тайёрлаш пунктлари (Урганч пахта тайёрлаш пунктидан ташқари)”;

в) 2-иловага куйидаги таҳрирдаги 42<sup>1</sup>-қаторга қўшилсин:

“

42 <sup>1</sup> .	Сирдарё вилояти Боёвут тумани	“Boyovut techno Cluster” МЧЖ	“Боёвут пахта тозалаш” АЖ ва барча пахта тайёрлаш пунктлари
-------------------	----------------------------------	---------------------------------	---

”

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 январдаги 53-сон қарорида:

- а) 2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “мажбурий тартибда” сўзлари “ихтиёрий равишда” сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 1-иловадан 3 - ва 4 - позициялар чиқариб ташлансин.

